



ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI HOKIMINING QARORI

Namangan sh. Istiqlol ko'chasi 57.

2021 - yil 12 - oktabr

305-6-0-Q/21

Namangan viloyati hokimligi

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2021 йил 6 октябрдаги 624-сон қарори ижроси ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майдаги “Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-5116-сон қарори ижроси бўйича қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2021 йил 6 октябрдаги 624-сон қарорини вилоятда ижросини таъминлаш мақсадида, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2021 йил 6 октябрдаги 624-сон қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори билан:

Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг иловага мувофиқ айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигига манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштириш вазифаси топширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Вилоят маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси (Кўчқорова) қабул қилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 октябрдаги 624-сон қарорига мувофиқлаштирсин ҳамда шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, тегишли бошқарма ва ташкилотлар билан ҳамкорликда ушбу қарор талаблари асосида иш ташкил этсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари - вилоят Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи Ш.Мусаев зиммасига юклансин.

Viloyat hokimi



Sh.Abdurazakov